ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ DSc.28.12.2017.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ

АМАНОВ ОТАБЕК АМАНКУЛОВИЧ

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ БОЗОРИНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.10 - Демография. Меҳнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК: 331.5:631 (575.1)

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам

Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Economics Science

Аманов Отабек Аманкулович
Қишлоқ меҳнат бозорини самарали ривожлантириш асосида аҳолини иш билан бандлигини ошириш ……..... 3

Аманов Отабек Аманкулович
Повышение занятости населения на основе эффективного развития сельского рынка труда ……..... 23

Amanov Otabek Amankulovich
Increasing employment on the basis of effective development of the rural labor market …….. 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……..…….…….…….…….. 47

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ DSc.28.12.2017.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ

АМАНОВ ОТАБЕК АМАНКУЛОВИЧ

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТ БОЗОРИНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ОШИРИШ

08.00.10 - Демография. Меҳнат иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD./ Iqt 170 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdiu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Абдураҳмонов Қаландар Ходжаевич** ЎзФА академиги
Расмий оппонентлар:	**Худойбердиев Зайниддин Явқочевич** иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
	Насимов Дилмурод Абдуллоевич иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор
Етакчи ташкилот:	**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.I.16.02 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «_____»_____ куни соат_____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-85; факс: (99871) 239-28-85; e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100003, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz

Диссертация автореферати 2019 йил «_____»_____куни тарқатилди.

(2019 йил «_____»_____даги _____- рақамли реестр баённомаси.)

Д.Қ. Ахмедов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Т. Шаюсупова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Ш.Р. Холмўминов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисининг доимий бандлигини таъминлаш муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда Ер куррасидаги 1,44 миллиард аҳоли иш билан беқарор бандлик муаммосига дуч келмоқда. Жаҳонда 73 миллион йигит ва қизлар ишсизлар қаторидан ўрин олган. Глобал ишсизликни ҳал этиш учун яқин ўн йилликда камида 475 миллионга яқин янги иш жойи ташкил этилиши керак[1]. Шу жиҳатдан ҳам давлатлар томонидан меҳнат бозори самарадорлигини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва ишсизликни камайтириш борасида тегишли чора-тадбирлар кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

Жаҳонда, аҳолини, жумладан қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини ошириш ҳамда талаб ва таклиф мутаносиблиги асосида меҳнат бозори самарадорлигини ошириш муаммосининг ечимларига йўналтирилган кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борадаги илмий тадқиқотларда, айниқса қишлоқ меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўртасида мувозанат масаласи, янги иш жойларини яратиш ва ишчи кучига талаб ўртасидаги узвий алоқадорликни таъминлаш, меҳнат бозорида иш кучи таклифи сифатини ошириш ҳамда бандликнинг самарали шакл ва воситаларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлашга, айниқса кейинги йилларда меҳнат бозори самарадорлигини ошириш, аҳолини мунтазам иш билан таъминлаш ва аҳоли даромадини ошириш, хотин-қизлар, кам таъминланган оилалар аъзолари бандлигини таъминлаш ҳамда ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида «иш ўринларини ташкил этишни янада рағбатлантириш механизмларини жорий этиш»[2] бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди. Бу борада қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини таъминлашда ноанъанавий шакллардан кенг фойдаланиш, масофавий иш билан бандлик шаклларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш асосида янги иш ўринлари яратиш, меҳнат бозори ва аҳоли сони ошишининг демографик прогнози аниқлик даражасини ошириш юзасидан илмий тадқиқотларни кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган топшириқлар,

---

[1] Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотлари // http: // www.ilo.orc.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.01.2019 й., 06/19/5635/2502-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сонли «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сонли «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 11 июндаги ПҚ-3782-сон «Аҳолининг ижтимоий заиф қатлами бандлигини таъминлашни рағбатлантиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 октябрдаги 877-сонли «Меҳнат бозорининг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олиб, иш ўринларини ташкил этиш ва кадрлар тайёрлаш давлат буюртмасини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлиги даражаси. Меҳнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва унинг таклифи, ишсизлик, бозор иқтисодиётига ўтишда самарали иш билан бандлик, меҳнат бозорини тартибга солиш муаммолари С.А.Дятлов, Б.М.Генкин, С.А.Карташов, Ю.Г.Одегов, А.И.Рофе, А.Э.Котляр, П.Э.Шлендер, К.Г.Кязимов, Б.П.Панков, Е.Б.Яковлева[3] ва бошқа хорижлик олимлар тадқиқ этганлар.

Ўзбекистонда меҳнат бозорини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш, аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишнинг турли масалалари Қ.Х.Абдураҳмонов, Н.К.Зокирова, Ш.Р.Холмўминов, Д.А.Артиқова, З.Я.Худойбердиев, К.З.Хомитов, Г.Қ.Абдураҳмонова, Н.У.Арабов[4] ва бошқалар асарларида ўз ифодасини топган.

---

[3]Дятлов С.А. Рабочая сила в системе рыночных отношений. –СПб.: СПбУЭФ, 2005; Генкин Б.М. Экономика и социология труда: Учебник. – М.: Норма,2007; Карташов С.А., Одегов Ю.Г. Рынок труда.- М.:ЗАО «Экономика», 1998; Рофе А.И. Рынок труда: Учебник для вузов. – М.: МИК, 2003; Котляр А.Э. Теоретико-методологические проблемы рынка труда и занятости // Рынок труда и занятость: современные проблемы теории и практики. Серия: «Точка зрения». – М.: РАГС, 2004; Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие. – М.: ВЗФЭИ, 2004; Кязимов К.Г. Рынок труда и занятость населиния.- М.: Перспектива, 2005; Панков Б.П. Рынок труда на селе и его регулирование. Изд.2-е, переработанные и дополненное. - М.: Агри Пресс, 2007.; Яковлева Е.Б**.** Рынок труда. Учебник и практикум для академического бакалавриата. – М.: Юрайт, 2017

[4]Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти:назария ва амалиёт. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: FAN. 2019; Абдурахманов К.Х., Зокирова Н.К. Человеческое развитие: учебник. - Т.: ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В.Плеханова», 2014. - 320 с.; Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни моделлаштириш (монография). – Т.: Fan va texnologiya, 2014; Холмўминов Ш.Р. ва бошқалар Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари (монография). – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2018; Артыкова Д.А. Проблемы достижения равновесия на рынке труда в условиях углубления рыночных реформ.- Т.: ТГЭУ. 2006; Худойбердиев З.Я. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув қўлланма. ILMZIYO, 2016.; Хомитов К.З. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ

Юқоридаги олимларнинг илмий ишларини таҳлил қилиш бевосита қишлоқ меҳнат бозорини самарали ривожлантириш асосида аҳолини иш билан бандлигини ошириш масалалари кам ўрганилганлигини кўрсатди. Ушбу муаммонинг долзарблиги ва етарлича ишлаб чиқилмаганлиги тадқиқот мавзусини танлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилди ҳамда унинг мақсади ва вазифаларини белгилаб берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-2-29 «Меҳнат бозорининг самарали ривожланиш истиқболлари» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ меҳнат бозорининг самарали ривожланишини назарий-услубий тадқиқ этиш асосида қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини ошириш ва ишсизликни камайтириш бўйича илмий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Диссертация ишида қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

қишлоқ меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўртасида мувозанатга эришиш асосида аҳолини иш билан бандлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ёритиб бериш;

қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини оширишнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичларини аниқлаш;

қишлоқ меҳнат бозорини ривожланиши ва унинг аҳоли иш билан бандлигига таъсирини таҳлил қилиш;

янги иш жойларини яратиш ва ишчи кучига талаб ўртасидаги узвий алоқадорликни аниқлаш;

қишлоқ меҳнат бозорида иш кучи таклифини камайтиришни социологик баҳолаш;

қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини оширишнинг стратегик концепциясини комплекс чора-тадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Қашқадарё вилояти қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик ҳолати ҳисобланади.

Тадқиқот предметини қишлоқ меҳнат бозорини самарали ривожлантириш асосида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш жараёнида юзага келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими ташкил этади.

меҳнат бозорининг самарали ривожланиши муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ЎзР ФА Иқтисодиёт институти, 2012, Абдурахманова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДИУ, 2016, Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари доктори диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида иқтисодий, мантиқий, илмий абстракциялаш, қиёсий таҳлил, динамикада ўрганиш, маълумотларни гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, статистик ва математик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик даражасини меҳнат бозорида иш билан бандликнинг эгилувчан, ўз-ўзини иш билан бандлигини таъминлаш ва масофавий иш билан бандлик шаклларини ривожлантириш асосида ошириш таклиф этилган;

кичик саноат зоналарини ташкил этиш асосида ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринларини яратиш ҳамда қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик даражасини ошириш асосланган;

қишлоқ жойларида аҳоли бандлигини таъминлаш механизми қишлоқда махсус туризм йўналишларини ташкил этиш асосида такомиллаштирилган;

Қашқадарё вилоятида 2019-2025 йилларга мўлжалланган меҳнат бозори тенденцияси ва аҳоли сони ошишининг демографик прогнози ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда қишлоқ меҳнат бозорининг самарали ривожланиши зарурати асосланган;

қишлоқ аҳолисининг янги иш жойларига талаби шаклланиши ва ишчи кучи таклифи иқтисодий-социологик баҳоланган;

оилавий тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, он-лайн корхоналарни ташкил этиш, қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг ташкилий механизмлари аҳолини иш билан таъминлашнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

ҳудудий меҳнат бозорининг прогноз кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилган;

қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини оширишнинг истиқболга йўналтирилган стратегик концепцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашувнинг илмий асослилиги, фойдаланилган материалларнинг Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, вилоят Бандлик бош бошқармасининг расмий манбаларидан олингани ҳамда хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ваколатли ташкилотлар фаолиятига жорий этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мазкур тадқиқотда қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини ошириш ва ишсизликни камайтириш бўйича ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар мавзу бўйича услубий маълумотларни такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини ошириш ҳамда иш ўринларини ташкил этиш бўйича ҳудудий дастур ва прогнозларни ишлаб чиқиш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари фаолиятини такомиллаштириш, соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган

комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда, шунингдек «Меҳнат иқтисодиёти», «Меҳнат бозори иқтисодиёти» ва «Меҳнат ресурсларини бошқариш» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ меҳнат бозорини самарали ривожлантириш асосида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги даражасини меҳнат бозорида иш билан бандликнинг эгилувчан, ўз-ўзининг иш билан бандлигини таъминлаш ва масофавий иш билан бандлик шаклларини ривожлантириш бўйича таклифлар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 1 июлдаги 01/00-04/07-4822-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифдан фойдаланиш иш билан бандликнинг ноанъанавий турлари кўламини кенгайтириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини иш ўринлари билан таъминлаш имконини берган;

кичик саноат зоналарини ташкил этиш асосида ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринлари яратиш ҳамда қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик даражасини оширишга йўналтирилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПҚ-3635-сонли «Қашқадарё вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг 2019 йил 19 июндаги 03/1235-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши вилоятда давлат мулки бўлган ва давлат улуши мавжуд хўжалик юритувчи жамиятларнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва объектлари негизида ташкил этилаётган кичик саноат зоналарининг рўйхатини шакллантириш ҳамда кичик саноат зоналари ҳудудида 5 мингдан ортиқ иш ўрнини ташкил этиш имконини берган;

қишлоқ жойларида аҳоли бандлигини таъминлашда қишлоқда махсус туризм йўналишларини ташкил этиш бўйича таклифлари Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан янги туризм йўналишлари асосида иш ўринларини яратиш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг 2019 йил 19 июндаги 03/1235-сонли маълумотномаси). Вилоятда янги қишлоқ махсус туризм йўналишларининг татбиқ этилиши натижасида қишлоқ жойларида агротуризм соҳасига 38 та фермер ва деҳқон хўжалигини, 2 мингдан ортиқ маҳаллий аҳолини кенг жалб этиш имконини берган;

вилоятда 2019-2025 йилларда меҳнат бозори тенденцияси ва аҳоли ўсишининг демографик прогнозидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан меҳнат бозоридаги вазият ва аҳоли ўсишининг демографик прогнозини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бандлик ва меҳнат

муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 1 июлдаги 01/00-04/07-4822-сонли маълумотномаси). Вилоятда меҳнат бозори тенденцияси ва аҳоли сони ошишининг демографик прогнози янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлиги даражасини ошириш дастур ва чора-тадбирларининг сифатини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича унинг асосий ғоялари ва мазмунини акс эттирувчи жами жами 45 та илмий иш, жумладан, 2 та монография,Ўзбекистон Республикаси ОАК эътироф этган илмий журналларда 8 та илмий мақола, шундан 4 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти, предмети ифодаланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишнинг синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қишлоқ меҳнат бозорини самарали ривожлантириш асосида аҳолини иш билан бандлигини оширишнинг илмий-назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида қишлоқ меҳнат бозорининг самарали ривожлантириш ва бу орқали аҳолини иш билан таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти асослаб берилган. Қишлоқ жойлардаги меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан самарали бандлигини таъминлашнинг мезон ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган. Шунингдек хорижий мамлакатларнинг тажрибасини мамлакатимизда қўллаш бўйича тавсиялар берилган.

Қишлоқ меҳнат бозори миллий меҳнат бозорининг таркибий қисми бўлиб, ҳудуд бўйича қишлоқда жойлашганлиги, унда аграр муносабатлар устунлик қилиши билан ажралиб туради, унинг энг муҳим ижтимоий фукцияси қишлоқ жойлардаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан самарали бандлигини таъминлашдан иборат.

Тадқиқотда хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий фикрлари, ёндашувларидан келиб чиқиб, «қишлоқ меҳнат бозори» тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: қишлоқ меҳнат бозори – бу миллий меҳнат бозорининг кўп қиррали ва ўсувчи кичик тизими бўлиб, қишлоқ

ҳудудларида ишчи кучига талаб ва таклифни ёки иш билан бандликни шакллантирувчи ва тартибга солувчи институт сифатида намоён бўлади.

Қишлоқ меҳнат бозори шаҳар меҳнат бозорига нисбатан талаб ва таклиф, улар ўртасидаги нисбат, ишчи кучи нархи ва сифати жиҳатидан анча турғун ривожланаётганлиги билан ҳам тавсифланади. Қишлоқда ҳудуд бирлигига тўғри келувчи ишчи кучи жипслиги, жамланганлиги даражаси пастлиги, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг суст ривожланганлиги сингари ҳолатлар ҳам меҳнат бозори ривожланишига акс таъсир кўрсатади.

Қишлоқ меҳнат бозорида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш йирик ва кичик бизнес субъектлари ҳисобига, шунингдек, фуқароларнинг ўзларини мустақил равишда иш билан таъминлашлари орқали амалга оширилади (1-расм).

1-расм. Қишлоқ меҳнат бозорида ишчи кучига талабни шакллантирувчи субъектлар
Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Амалга оширилган таҳлиллар натижасида қишлоқ меҳнат бозори учун фермер хўжаликлари, оилавий тадбиркорлик тузилмалари – кичик корхона-лар, минифирмаларда тўлиқ, самарали, оқилона, деҳқон хўжаликлари учун эса мавсумий, тасодифий шакллари хос эканлигини аниқланди.

Тадқиқотда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг асосий мезонлари ишлаб чиқилган (2-расм).



2-расм. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг асосий мезонлари
Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда қишлоқ жойларда аҳолининг иш билан бандлигини оширишнинг асосий кўрсаткичлари ҳам таклиф этилган бўлиб, уларга иқтисодиётда банд бўлган иқтисодий фаол аҳоли улуши, ишга жойлаштиришга муҳтож бўлган шахслар (ишсизлар), иш билан бандликнинг тармоқ ва ҳудудий таркиби, ишчи кучи малакаси даражалари, ишчи кучи талаб ва таклифи, уларнинг ўзаро нисбати, ишсизлик даражаси, қишлоқ жойларда иш билан банд бўлганлар умумий таркибида мавсумий ишловчилар улуши, қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалиги ишларида иш билан банд бўлганлар нисбати, қишлоқда тадбиркорлар сони, ёлланма меҳнат билан банд бўлганлар сони, меҳнат бозоридаги танглик коэффициенти киради.

Тадқиқотда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш бўйича АҚШ, Германия, Хитой ва Италия мамлакатларининг тажрибаси ўрганилган. Хусусан, АҚШ тажрибасидан келиб чиқиб «иш жойлари банки»ни яратиш, аҳолини иш балан бандлигини таъминлашда иш билан бандликнинг эгилувчан шаклларидан фойланиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида «коворкинг марказ»ларини ташкил этиш лозим. Ушбу марказларда фуқароларни хусусий тадбиркорлик лойиҳалари, бизнес режаларни тайёрлаш бўйича ўқитиш, замонавий касб-ҳунар, хорижий тилларни ўргатиш, ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилишни йўлга қуйиш лозим. Ўзбекистонда АҚШнинг ўзини ўзи банд қилишнинг замонавий ва самарали

шакллари, жумладан, инновациявий тадбиркорлик, персонал лизинги, масофавий меҳнат, фрилансинг, коворкинг, аутстаффинг, аутсорсинг каби фаолият турларини кенгроқ қўллаш мақсадга мувофиқ.

Германиянинг «Кўмаклашиш ва талаб қилиш!» шиори остида олиб борилган меҳнат бозорини ислоҳ қилиш тажрибасини қўллаш ижобий самара беради. Бунда узоқ вақт давомида иш қидираётган аҳолининг фаол қисми давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Яъни ишсизлар иш топишлари учун моддий жиҳатдан рағбатлантирилади.

Хитой тажрибасидан келиб чиқиб, ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, қишлоқ аҳолисининг шаҳарга миграциясини камайтириб, қишлоқда саноатни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаш, қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича юқори малакали мутахассисларни кўпайтириш тавсия этилади.

Диссертациянинг **«Қашқадарё вилоятида қишлоқ меҳнат бозорининг ривожланиши ва унинг аҳоли иш билан бандлигига таъсири таҳлили»** деб номланган иккинчи бобида ҳудудий қишлоқ меҳнат бозори, иш жойлари сифати ва ишчи кучининг малакавий даражаси, аҳолининг иш билан бандлигига демографик ҳолатнинг таъсири, иш берувчилар билан ишсизлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, ишсизлик пайдо бўлишининг асосий сабаблари социологик сўров натижаларига асосланган ҳолда ўрганилган.

Тадқиқотда Қашқадарё вилоятида меҳнат бозоридаги вазият таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

Қашқадарё вилояти меҳнат бозори кўрсаткичлари, минг киши

Кўрсаткичлар	Йиллар							2018 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %
	2010	2013	2014	2015	2016	2017	2018	
Доимий аҳоли сони	2654,4	2863,4	2928	2992,2	3057,5	3102,6	3213,3	121,1
Меҳнат ресурслари	1476,5	1658,8	1695,8	1724,9	1758,9	1783,4	1905,4	129,4
Иқтисодий фаол аҳоли	1012,3	1130,6	1172,5	1209,9	1247	1266,8	1356,3	134,0
Иш билан бандлар сони	971,6	1072,3	1108,5	1143,9	1180,9	1218	1224,9	126,1
шундан:								
расмий секторда иш билан бандлар сони	348,3	410,4	371,5	416,8	459,3	466,6	495,8	142,3
норасмий секторда иш билан бандлар сони	464,2	528,1	523,3	514,9	511,8	515,6	729,1	157,1
хорижга чиқиб кетганлар сони	159,1	133,8	213,7	212,2	209,8	235,8	177,9	111,8
ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар (ишсизлар) сони	40,7	58,3	64	66	66,1	48,8	131,4	322,9
Иқтисодий нофаол аҳоли	464,2	528,2	523,3	515	511,9	516,6	549,1	118,3

Манба: жадвал Қашқадарё вилояти Бандлик бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвалдан кўринадики, 2010-2018 йиллар давомида Қашқадарё вилоятида доимий аҳоли сони 21,1 фоизга, меҳнат ресурслари сони эса 29,4 фоизга кўпайган. Таҳлиллар меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол аҳоли сони нофаол аҳоли сонига нисбатан юқори суръатда ошганлигини кўрсатади. Алоҳида қайд этиш керакки, вилоятда иш билан банд аҳолининг 59,5 фоизи норасмий секторда фаолият юритади. Бу эса норасмий секторда иш билан бандларни расмий секторга ўтказиш чораларини кучайтиришни тақозо этади.

Қашқадарё вилоятида 2018 йил 75,3 минг та янги иш ўрни ташкил этилган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан 15,4 фоизга камайган. Вилоятда янги ташкил этилган иш ўринлари сонининг меҳнат бозори талабларига мос келмаслиги ҳудудий меҳнат бозорида мувозанат бузилиши, ишсизлик даражаси ошиб кетиши, ноқонуний меҳнат миграцияси ва норасмий иш билан бандлик ҳажми ошишига олиб келган.

Ўтган давр мобайнида ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар сони 3,2 мартага ортиб, 2018 йилда вилоятда аҳолининг ишсизлик даражаси 9,7 фоизни ташкил этган. Қашқадарё вилоятида аҳолининг ишсизлик даражаси республика ўртача кўрсаткичидан юқори. Туманлар бўйича таҳлил қилганда, Деҳқонобод (11,3 %), Қамаши ва Китоб (10,3 %), Чироқчи (10,1 %), Миришкор ва Ғузор (10 %) туманларида ишсизлик даражаси вилоятнинг бошқа туманларига нисбатан юқори.

Қашқадарё вилоятида ташкиллаштирилган, хавфсиз, меҳнат мигрантлари ҳуқуқлари ҳимоя қилинган ташқи меҳнат миграция тизимини ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Афсуски, ҳозирда вилоятда ташкиллаштирилмаган, айрим ҳолатларда норасмий меҳнат миграцияси улуши 99,5 фоизни ташкил этади.

Тадқиқот ишида вилоятда ишсизликнинг ортиб бориш сабабларини ўрганиш мақсадида Қашқадарё вилоятининг қишлоқ ҳудудларида социологик сўровнома ўтказилди. Социологик сўровнома натижаларига кўра, тадқиқот ўтказилаётган вилоятнинг аҳоли пунктлари бўйича респондентлар ўртасида ишсизлик пайдо бўлишининг асосий сабаблари 2-жадвалда келтирилган.

Ишсизларнинг ишга жойлашишдаги қийинчиликлари ва бошқа мураккаб-ликларга қарамай, мутлақ кўпчилиги (92,6 %) иқтисодиётнинг қандайдир тармоқларига тўлиқ (71,0 %), тўлиқ бўлмаган (12,5 %), мавсумий (10,8 %) қисқартирилган тартибдаги иш вақтлари бўйича (5,7 %) банд бўлишини истайдилар.

Ишсизларнинг катта қисми қишлоқ ва ўрмон хўжалигида (28,7 %), савдо умумий овқатланиш, таъминот, сотиш ва тайёрлаш тармоғида (13,6 %), саноатда (11,5 %), уй-жой коммунал хўжалиги ва маиший хизмат кўрсатишда (9,4 %), транспорт ва алоқада (8,2 %), таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш (8,2 %) ва қурилиш тармоқларида (7,3 %) банд бўлишни хоҳлайди.

Вилоятнинг барча туманларида худди ана шундай вазият кузатилади. Қамаши, Китоб, Косон ва Чироқчи туманларининг ишсизлари кўпроқ қишлоқ

ва ўрмон хўжалиги (26,1 %, 55,5 %, 24,7 %, 44,3 %, 48,4 %) ва саноат тармоқларида (15,0 %, 12,9 %, 3,1 %, 22,7 %, 7,4 %) меҳнат қилишни ҳоҳлайдилар. Шаҳрисабз ва Яккабоғ туманининг банд бўлмаган аҳолиси эса транспорт ва алоқа (11,9 %, 11,7 %), қурилиш (9,0 %, 13,6 %), савдо, умумий овқатланиш, таъминот, сотиш ва тайёрлаш тармоқларининг (11,2 %, 11,7 %) тегишли хўжаликларида ишлашни афзал кўрадилар.

2-жадвал

Қашқадарё вилоятининг танланган ҳудудларида ишсизликнинг сабаблари (барча респондентларга нисбатан, % да)

Сабаблар	Вилоят бўйича	Шу жумладан туманлар бўйича:						
		Нишон	Қамаши	Китоб	Косон	Чироқчи	Шаҳрисабз	Яккабоғ
Иқтисодий ночор корхоналарнинг тугатилиши	26,8	31,6	61,4	20,6	16,5	40,0	23,1	22,3
Эгаллаб турган лавозимларнинг қисқариши	11,1	22,4	10,9	20,6	4,1	4,2	14,2	8,7
Малака даражасини ишлаб чиқаришга мос келмаслиги	5,1	35,7	0	7,2	4,1	6,3	6,0	5,8
Раҳбарлар билан келишмаслик	2,7	3,2	4,0	2,1	1,0	2,1	3,0	1,9
Паст иш ҳақи	30,5	33,1	11,9	28,9	66,0	26,3	17,9	44,7
Қуйидагилар бўйича ишдан бўшаш:								
а) ўз хоҳиши бўйича	12,2	4,5	11,9	11,3	5,2	12,6	20,9	6,8
б) соғлиги бўйича	5,0	6,3	0	7,2	3,1	4,2	3,0	2,9
в) меҳнат интизомини бузганлиги учун	1,1	1,3	0	2,1	0	2,1	0,8	1,0
г) зарар келтиргани учун	0,2	0,7	0	0	0	0	0	0
Ишламаган	4,2	13,7	0	0	0	2,1	11,2	5,8
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Манба: жадвал муаллиф томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар асосида тузилган.

Қишлоқ туманларидан фарқли равишда Қарши шаҳрининг ишга жойлашишни истовчи ишсизлари кўпроқ транспорт ва алоқа (15,6 %) ҳамда уй-жой, коммунал хўжалиги, маиший хизмат кўрсатиш (25,1 %) тармоқларида банд бўлишни хоҳлайдилар.

Социологик таҳлилларга кўра, ишсизларнинг 51,2 % тўлиқ етарли, 30,1 % қисман етарли ва 11,6 % етарли бўлмаган малакага эга. Етарли малакага эга бўлмаган ишсизларнинг кўпчилиги турли хил ўқув юртларидаги бошқа мутахассисликларга ўқишга ҳаракат қиладилар. Шу жумладан: давлат олий ўқув юртларида (26,6 %), махсус курсларда (16,5 %), янги иш жойидаги махсус курсларда (12,9 %), ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида (11,5 %) ва БКМ ёрдамидаги махсус курсларда (9,6 %).

Вилоятнинг танланган қишлоқ туманлари ва Қарши шаҳри бўйича респондентларнинг кўпчилиги давлат ўқув юртларида, махсус курсларда ва янги иш жойидаги махсус курсларда ўз малакаларини ошириш ёки янги касб

эгаллаш истагини билдирадилар. Аммо давлат молиявий ресурсларнинг етишмаслиги туфайли барча хоҳловчи ишсизларни янги мутахассисликка ёки малакасини ошириш бўйича қайта ўқитиш учун пул маблағлари билан таъминлай олмайди.

Шу туфайли респондентларнинг 64,6 %дан ортиғи янги касбни ўзга, яъни, давлат (31,3 %), янги иш жойи (16,5 %), Бандликка кўмаклашиш жамғармаси (9,0 %), хомийлар (6,4%) ва ижтимоий хайрия жамғармаларининг (1,4%) маблағлари ҳисобидан ўзлаштиришни исташадилар. Атиги 25,5 % респондентлар ўз малакаларини ошириш ва янги касбни эгаллаши ота-оналари жамғармаси (11,3 %) ва шахсий жамғарма (14,2 %) ҳисобидан амалга оширишни ҳоҳлайдилар. Респондентларнинг 9,9 %и эса турли маблағлар эвазига ўз малакаларини ошириш ёки янги касб эгаллаши кўзда тутилади.

Сўровномада иштирок этган ишсизларнинг 82,3% иш билан банд бўлиш мақсадида турли таълим йўналишида олий бакалавр маълумотини оширишни истайди. Хусусан, улардан иқтисодий таълим йўналишлар: иқтисодиёт (15,4%), молия ва банк иши (8,5%), менежмент ва бизнесни бошқариш (6,1%) ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва аудит (5,6%) йўналиши бўйича олий бакалавр маълумотига эга бўлишни ҳоҳлайди. Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси (17,8 %) бўйича бундай таълим даражасига эга бўлишни истовчилар ҳам мавжуд. Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ таълим йўналиши (13,6 %) бўйича олий бакалавр маълумоти олишни истаганлар кўпроқ фермер хўжалигини бошқариш (5,5%), қишлоқ хўжалигини механизациялаш (2,7 %) таълим йўналишини танлайди. Иш билан банд бўлишни истовчи респондентларнинг 17,7 % да олий бакалавр маълумотини олиш истаги йўқ.

Ўтказилган аниқ социологик сўровномалар натижалари асосида икки йўналишда янги ахборотлар фонди ҳосил қилинди: иш берувчиларнинг ишчи кучига талаби ва ишчиларнинг таклифи ҳолати. Улар қишлоқ меҳнат бозорининг самарали ривожланиши, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва ишсизлик даражасини пасайтиришга йўналтирилган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишда муҳим ахборот манбалари сифатида хизмат қилади.

Учинчи боб «**Қишлоқ меҳнат бозорининг самарали ривожланиши асосида аҳоли иш билан бандлигини оширишнинг устувор йўналишлари»** деб аталиб, унда меҳнат бозоридаги вазият ва сони ошишининг демографик прогнози ишлаб чиқилган, қишлоқ меҳнат бозорининг давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш таъсирида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, қишлоқ аҳолисини иш билан бандлигини оширишнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари бўйича амалий таклифлар, қишлоқ аҳолиси иш билан бандлигини оширишнинг стратегик концепциясини ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлари ёритиб берилган.

Қишлоқ жойларда аҳолининг иш билан бандлик муаммоларини ҳал этишда ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг ҳудудий устуворликларини жиддий равишда қайта кўриб чиқиш зарур.

Тадқиқотда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашда ишчи кучига талабни ошириш ва ишчи кучи таклифини қўллаб-қувватлашга кўмаклашишда ижтимоий ва иқтисодий механизмларни мақбуллаштириш, янги иш жойларини ташкил этишнинг иқтисодий механизмини тартибга солишда инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, фаол тузилмавий сиёсат ва иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини таъминлаш, ялпи талабни рағбатлантириш, ҳудудий сиёсатни такомиллаштириш чора-тадбирлари асослаб берилган.

2019-2025 йилларга мўлжалланган Қашқадарё вилояти меҳнат бозоридаги вазият ва аҳоли сони ошишининг демографик прогнози ишлаб чиқилган (3-расм).



3-расм. Қашқадарё вилояти меҳнат бозоридаги вазият ва аҳоли сони ошишининг демографик прогнози

Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисобланган.

3-расмдан кўринадики, 2019-2025 йиллар давомида вилоят аҳолисининг сони мунтазам ўсиб, 2025 йилга бориб, 3747,7 минг кишига етади. Бу даврда аҳоли сони йилига ўртача 2,1 фоизга, меҳнат ресурслари сони эса 3,1 фоизга ошади. Прогноз даврида иқтисодий фаол аҳоли сони нофаол аҳоли сонига нисбатан юқори суръатда ошиши кутилади.

Прогноз қилинаётган даврда иш билан бандлар сони ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларга нисбатан юқори суръатда ўсиши кузатилади (4-расм).

4-расмдан кўринадики, 2019-2025 йилларда иш билан бандлар сони – 25,8, ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар сони эса 2,0 фоизга ошади. 2025 йилда вилоятда ишсизлар сони 8,1 фоизни ташкил этади.

Қашқадарё вилоятида инвестицияларни фаол жалб этиш учун қулай шароитлар яратиш, рақобатбардош замонавий ишлаб чиқариш ва кичик корхоналарни ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, уларни муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ташкил этилган алоҳида ҳудудларда жойлаштиришни таъминлаш ва шу аснода ишлаб

чиқариш соҳасида янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг бандлик ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида кичик саноат зоналарини ташкил этиш зарурлиги асосланган.

4-расм. Қашқадарё вилоятида иш билан бандлар ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахслар сонининг истиқбол кўрсаткичлари
Манба: муаллиф тадқиқотлари асосида ҳисобланган.

Қашқадарё вилоятида давлат мулки бўлган ва давлат улуши мавжуд хўжалик юритувчи жамиятларнинг фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва объектлари негизида кичик саноат зоналарини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда қишлоқ туризми туризмнинг янги ва истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланиб, мамлакат ички ва халқаро туризмини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ жойларда туризмни ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга тадбиркорлик фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Хусусан, қишлоқ жойларда инфратузилмалар фаолиятини ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишда, маҳаллий аҳоли даромадини оширишда, янги иш ўринларини яратишда, маданий урф-одатлар ва миллий анъаналарни қайта тиклаш, шунингдек, атроф-муҳитни ҳимоя қилишда қишлоқ туризми муҳим ўринга эга.

Тадқиқотда фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг фаолиятини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан, шароб маҳсулотлари, қуритилган мевалар, ширинликлар ва бошқаларни жойида татиб кўришни ташкил қилиш йўли билан улар ҳудудида ягона тузилмага бириктирилган қишлоқ туризм кластерини барпо этиш таклиф этилган (5-расм).

5-расм. Қишлоқ туризми кластерининг модели
Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Қашқадарё вилоятида қишлоқ туризми ривожланиши натижасида бевосита маҳаллий аҳолининг даромади ошади, 2000 дан ортиқ янги иш жойлари яратилади, қишлоқ жойларида кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожланади, ижтимоий инфратузилма объектлари кўпаяди, шунингдек, қишлоқ ҳудудларига хорижий сайёҳларнинг ташрифи ортади.

Қишлоқ меҳнат бозорида рақамли иқтисодиётнинг фаоллигини таъминлаш мақсадида «он-лайн корхоналар», «он-лайн иш жойлари», «он-лайн ўқув марказлари» тизимини жорий этиш лозим.

Масофавий иш билан бандликни ривожлантириш ва миқёсининг ошиб боришини таъминлаш мақсадида қуйидаги хулоса ва таклифларга келинди:

- масовафий иш билан бандликдаги иш вақти эгилувчанлиги қўшимча харажатларни қисқартириш имконини беради. Бунда нафақат иш ўрни ҳудуди тежалади, балки электр энергияси харажатлари, назоратга йўналтириладиган маъмурий харажатлар, айрим корхоналарда транспорт харажатлари ва турли субсидияларга йўналтириладиган ва бошқа шу каби харажатлар миқдори тежалишига олиб келади;
- иш билан бандликнинг замонавий шаклларини республика миқёсида баҳолаб бориш ва тегишли хулосалар чиқариш учун уй меҳнатида бандлар, масофавий иш билан бандлар, мустақил иш билан бандлар сонини юритиб бориш мақсадга мувофиқ;
- яқин келажакда ахборот технологиялари ва инновацион тараққиёт туфайли масофавий иш билан бандликни ривожлантириш истиқболли вазифа эканлигини эътиборга олиб, меҳнат фаолиятини уйда бажарувчи ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, меҳнат шароитларини таъминлаш ва ушбу йўналишдаги ҳуқуқий асосни шакллантириш ва такомиллаштириш лозим.

ХУЛОСА

Қишлоқ меҳнат бозорини самарали ривожлантириш асосида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш масалаларининг илмий тадқиқ қилиниши натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тадқиқот натижалари бўйича олинган хулосаларда қишлоқ меҳнат бозорида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликка бевосита таъсир кўрсатиш омиллари аниқланди. Уни тадқиқ этишда меҳнат бозорининг умумий қонуниятлари, тамойиллари ва концепцияларини ҳисобга олиш зарур. Қишлоқ меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўртасида мувозанатга эришиш асосида қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини ошириш назарий асосланган.
2. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти механизмларини амалиётда қўллаш тадқиқоти қишлоқ аҳолиси иш билан бандлигини таъминлашнинг асосий мезонларини аниқлаш имконини берди. Улар қишлоқ ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий йўналишларнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Аҳолининг иш билан таъминланиши қишлоқ ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги муҳим шарти ва ажралмас қисми

сифатида таҳлил қилинса, унинг асосий мезонларини қамраб олиш ва кўрсаткичлар тизимини шакллантириш қулайлашади.

3. Хориж мамлакатларининг меҳнат бозорини самарали ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини ошириш борасидаги тажрибаларини ўрганиш асосида шу мамлакатларда қишлоқда саноат, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаш, меҳнат бозорида мослашувчанлик ва хавфсизлик даражасини комплекс ошириш, қишлоқ жойларда ахборот-коммуникация технологиялари бўйича юқори малакали мутахассисларни кўпайтириш орқали қишлоқ меҳнат бозоридаги мавжуд муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш имкониятига эга бўлингани аниқланди. Диссертант томонидан хориж тажрибасининг ижобий томонларидан Қашқадарё вилояти шароитида қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини оширишда фойдаланиш имкониятлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

4. Тадқиқот натижасида қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини таъминланишга бевосита таъсир кўрсатувчи бир қатор объектив ижтимоий, иқтисодий, демографик ва ҳуқуқий шарт-шароитлар аниқланган бўлиб, улар ўз ичига меҳнат ресурсларининг сифат кўрсаткичлари ошиши, ишчи кучи таклифи шаклланиши, қишлоқ ишчисининг ўз ишчи кучига бўлган хусусий мулкчилиги, малакали ишчи кучига талаб билан унинг таклифи ўртасидаги ўзаро мувозанатни таъминлаш, иш берувчиларни иқтисодий рағбатлантириш, молиявий-иқтисодий ва кредит сиёсати, капитал ва меҳнат бозорини ривожланиши, иш берувчи ва ёлланма ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси, ижтимоий соҳада давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида аҳолининг иш билан таъминланиши сингари элементларда намоён бўлади.

5. Қишлоқ жойларида ишсизлик ва унинг сабабларини ўрганиш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиш асосида олинган ахборотлардан қишлоқ меҳнат бозорида вазиятни юмшатиш, ишсизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш учун мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Социологик баҳолаш иш билан бандликни ошириш бўйича устувор чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини берувчи ахборотларни ҳосил қилиш, аҳолининг иш билан бандлигини ошириш бўйича амалий тавсиялар берилган.

6. Қишлоқ туманларини гуруҳлаштириш ёрдамида қишлоқда иш билан бандликнинг хусусиятларини тартибга солиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, юқори даражада урбанизациялашган Қашқадарё вилоятининг саноат ва саноат-қишлоқ хўжалиги туманларида қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини тартибга солиш маданий-соғломлаштириш, сайёҳлик ва таълим муассасаларини қамраб олган ижтимоий йўналтирилган қишлоқ иқтисодиётини шакллантириш ва қишлоқнинг хусусий капитал учун инвестициявий жозибадорлигини ошириш тамойили асосида ривожлантирилиши керак. Агросаноат ва аграр туманларда қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлигини тартибга солиш тизими қишлоқдаги қишлоқ хўжалиги корхоналари билан шаҳар ҳудудида жойлашган қишлоқ хўжалиги

маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, сервис хизмати кўрсатиш ва бошқа агросаноат комплекси тузилмалари ўртасидаги инвестициявий, инновацион ва технологик алоқаларни йўлга қўйиш орқали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришга ёрдам кўрсатиши керак.

7. Қашқадарё вилоятида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг ҳозирги кундаги ва яқин истиқболдаги энг муҳими йўналиши – қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолини қайта тақсимлаш, иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ҳамда соҳаларига улардаги ортиқча ишчи кучининг сафарбарлигини оширишдир. Бунинг учун қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси, қишлоқ туризми ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш талаб этилади.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 28.12.2017.I.16.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ

ФИЛИАЛ РОССИЙСКОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ Г.В. ПЛЕХАНОВА В Г. ТАШКЕНТЕ

АМАНОВ ОТАБЕК АМАНКУЛОВИЧ

ПОВЫШЕНИЕ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ НА ОСНОВЕ ЭФФЕКТИВНОГО РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО РЫНКА ТРУДА

08.00.10 –Демография. Экономика труда

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2018.3. PhD./ Iqt 170.

Диссертация выполнена в Филиале Российского экономического университета имени Г.В. Плеханова в г. Ташкенте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdiu.uz) Информационно-научном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Абдурахманов Каландар Ходжаевич** академик Академии наук РУз
Официальные оппоненты:	**Худойбердиев Зайниддин Явкочевич** доктор экономических наук, профессор
	Насимов Дилмурод Абдуллоевич кандидат экономических наук, профессор
Ведущая организация:	**Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита диссертации состоится «____» _____2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.I.16.02 при присуждению ученой степени при Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100003, г.Ташкент, проспект Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (зарегистрировано за №____). Адрес: 100003, г. Ташкент, проспект Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____2019 года.

(реестр протокола рассылки №_____ от «____»_____2019 года).

Д.К. Ахмедов
Заместитель председателя Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор экономических наук, профессор

Н.Т. Шаюсупова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, кандидат экономических наук, доцент

Ш.Р. Холмуминов
Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации по философии (PhD))

Актуальность темы диссертации. Одним из основных проблем мировой общественности является обеспечение занятости населения, особенно постоянная занятость сельского населения. По сведениям Международной организации труда, «в настоящее время на Земле 1,44 миллиарда человек сталкиваются с проблемами нестабильной занятости. В мире 73 миллиона юношей и девушек входят в ряд безработных. Для решения проблемы глобальной занятости в ближайшие десятилетия необходимо создать около 475 миллиона новых рабочих мест»[1]. В этой связи государствами реализуются масштабные меры по повышению эффективности рынка труда, созданию новых рабочих мест и сокращению безработицы.

В мире ведутся многочисленные научные исследования, направленные на решению проблем в сфере повышения обеспечения занятости населения, в том числе сельского населения, а так же решение проблем на основе соотношения спроса и предложения по повышению эффективности рынка труда. В этих научных исследованиях особое внимание обращено на разработку таких проблем как, соотношение спроса и предложения на сельском рынке труда, обеспечение равновесия между созданием новых рабочих мест и спросом на рабочую силу, повышение качества предложения труда на рынке труда, а также на разработку эффективных форм и средств занятости.

В нашей стране особое внимание уделяется занятости, особенно в последние годы на повышение эффективности рынка труда, обеспечение регулярной занятости населения и роста доходов, обеспечение занятости женщин и членов семей с низким доходом, регулирование внешней трудовой миграции. В государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития» определены конкретные меры по «внедрению механизмов дальнейшего стимулирования создания новых рабочих мест»[2]. В этой связи особое значение приобретает расширение научных исследований, направленных на широкое использование нетрадиционных форм занятости населения в сельской местности, разработку форм дистанционной занятости, создание новых рабочих мест на основе эффективной организации производства, повышение точности прогноза рынка труда и демографического роста.

Данное диссертационное исследование в определенной степени будет содействовать реализации задач, определенных в обращении к Олий Мажлису Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева, в указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 24 мая

[1] Данные Международной организации труда // http: // www.ilo.orc.

[2] Указ Президента Республики Узбекистан от 17 января 2019 года № 635 «О Государственной программе по реализации Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах в «Год активных инвестиций и социального развития» // Национальная база данных законодательства, 18.01.2019 г., № 06/19/5635/2502.

2017 года №УП-5052 «О мерах по дальнейшему совершенствованию государственной политики в сфере занятости и коренному повышению эффективности деятельности органов по труду», постановлениях Президента Республики Узбекистан от 24 мая 2017 года №ПП-3001 «О мерах по организации деятельности Министерства занятости и трудовых отношений Республики Узбекистан», от 11 июня 2018 года №ПП-3782 «Об организационных мерах по стимулированию обеспечения занятости социально уязвимых слоев населения», а также в постановлении Кабинета Министров от 28 октября 2017 года №877 «Об утверждении «Положения о порядке формирования государственного заказа на создание рабочих мест и подготовку кадров с учетом текущих и перспективных потребностей рынка труда» и других нормативных актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического общества, формирование инновационной экономики».

